

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 6П2.15.61.336.2(575.13)

БОБОЖОНОВА ЛАЙЛО БОБОХОНОВА

**ТАШКИЛОТДА РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ-КОМУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (*“Vang’ozi Agro-Eksport” маъсулияти
чекланган жамият мисолида*)**

5А 340107 - “Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., профессор, Б.А. Бегалов

Toshkent-2018

Аннотация

Реклама фаолияти ҳар қандай бизнеснинг мувофақиятга хизмат қилади ва бизнес жараёнларини жадаллашишига олиб келади. Шу жиҳатдан тадқиқотда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан реклама фаолиятида фойдаланишнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асосланиб, рақобатбардошлик даражасини оширишда электрон рекламанинг роли кўрсатилган. Шунингдек, ташкилотга энг мақбул Интернет реклама турини жорий қилиш технологияси, эчимлари ва усуллари ҳамда техник воситаларини қўллашга тавсиялар келтирилган.

Annotation

Advertising activity serves for the success of any business and accelerates business processes. In this regard, the research exposes the role of electronic advertising as a tool to increase competitiveness based on the importance and relevance of modern information and communication technologies in advertising activities. It also provides recommendations for the organization to use the technology, solutions, and methods of introducing the most appropriate Internet advertising type.

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиётда ахборот технологиялари” кафедрасида дастлабки ҳимоя ўтган.

№4 -сонли баённома “14” май 2018 йил


Илмий раҳбар: *проф. Б.А. Бегалов*


ИМЗО сана 16.06.18


Такризчи: *доц. А.Ў. Қобилов*


ИМЗО сана 16.06.18

Такризчи: *Ш.Ғ. Одилов*


ИМЗО сана 16.06.18

Талаба: *Л.Б. Бобожонова*


ИМЗО сана 16.06.18

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I-БОБ. ТАШКИЛОТДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. “Ванғози Агро Экспорт” корхонасининг умумий тавсифи.....	10
1.2. “Ванғози Агро Экспорт” корхонасида реклама фаолияти- нинг ахборот таъминоти	22
1.3. “Ванғози Агро Экспорт” корхонасида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш муаммолари	35
I-боб бўйича хулоса.....	44
II- БОБ. ТАШКИЛОТНИНГ ИНТЕРНЕТДА КОММУНИКАТИВ СИЁСАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИ АСОСИ СИФАТИДА	
2.1. Интернетда “Ванғози Агро Экспорт” корхонасининг маркетинг коммуникациялари ва реклама фаолиятини ташkil қилиш.....	45
2.2. “Ванғози Агро Экспорт” web-сайти асосида реклама фаолиятини самарали ташkil этишнинг асосий жиҳатлари..	59
2.3. Интернетда “Ванғози Агро Экспорт” web-сайтни ривожлантириш орқали ташриф буюрувчиларни ушлаб қолиш усуллари.....	71
II-боб бўйича хулоса.....	83
III- БОБ. ТАШКИЛОТДА РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИНИ ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИШ	
3.1. Тармоқда реклама воситалари ва уларни жойлаштириш усуллари.....	85
3.2. “Ванғози Агро Экспорт” корхонасида ахборот- коммуникация технологиялардан сотувни рағбатлантириш ва жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришда фойдаланиш йўллари	100
III-боб бўйича хулоса.....	108
Хулоса ва таклифлар.....	111
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	114
Иловалар.....	121

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутиб бормоқда. Иқтисодий ахборотни алоқа воситалари ва офис техникасидан фойдаланиш орқали автоматлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш маъмурият ва восита ижрочиларнинг вақтнинг исталган бир қисмида бажарилган иш ҳажми, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш, маҳсулотлар айрим турларининг таннархи ва меҳнатни талаб қилувчанлик ҳақидаги аниқ маълумотлар билан қуроллантиради.

Бу маълумотлар асосида ишлаб чиқариш, унинг айрим соҳалари иқтисодий самарадорлиги ва маҳсулотлар турларини ҳисоблаб чиқишни амалга оширилади, ишлаб чиқишнинг бориши назорат қилинади.

Ахборот технологиялари ва тизимлари йилдан йилга кишилиқ фаолиятининг турли соҳаларида янада кенг қолланилиб борилмоқда. Уларни яратиш, ишга тушириш ва кенг қўллашдан мақсад – жамият ва инсон бутун ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги муаммоларини ҳал этишдир.

Юқорида келтирилганлар асосида шуни таъкидлаш мумкинки реал иқтисодиётнинг барча соҳаларида ахборот тармоқлари ва тизимларидан фойдаланувчи корхоналарда компьютер, ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш, такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш, бу ўринда компьютер тармоқларидан кенгроқ ва тўлиқроқ фойдаланиш зарурлигини англатади.

Республикаимизда иқтисодий, ижтимоий, халқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда корпоратив бошқаришга ахборот-коммуникатсия технологиялари қўлланилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, ... иқтисодиёт,